



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 15 сентябрь № 37 (162) •

Сотувда нархи эркин

ТАҚДИРИДАН МАМНУН ИНСОН

«Ушанда ўқишга киролмаганингиздан афсусланмайсизми?» деган саволга у ҳеч иккиланмай «Йўқ, афсусланмайман!» деб жавоб беради.

Дарвоқе, ушанда нима булган эди?

Одамларда орийат туйғуси ушанда кучлироқ эдики ёки ўсмирликда буладиган табиий гурур туйғулари, ҳарқалай у мактабни битиргач, Андижон педагогика институтига ўқишга киролмай қол-

Карим Пулатовнинг тадбиркорлиги, удабуронлигини сезган раҳбарлар унга юқори, масъулиятли лавозимларни раво қуришди. Андижон вилояти алоқа бошқармасида турли вазифаларда ишлаб тажриба орттиргач, ниҳоят вилоят давлат почта алоқа ва матбуот тарқатиш корхонасига бошлаш бўлди.

Карим ака очиққўнғил, самимий, дилқаш инсон экан. Айрим раҳбарларга ўхшаб ишдаги камчиликлар, муаммоларни хаспўшлаб ўтирмади.

Олаётган даромадимизнинг 80 фоизи нафақа тарқатишдан, қолган 20 фоизгина соф алоқа хизматидан тушмоқда, — деди у.

— Нега шундай булмоқда?

— Бунинг сабаблари куп. Муаммонинг бизга боғлиқ булган ва булмаган жиҳатлари бор. Узингизга маълум, тарифлар ошиб кетди. Одамларга кўпроқ хат ёзиш, журналга юборишни буюриб булмайди. Халқимиз табиятан ўтrock халқ, аксарияти Ўзбекистоннинг узида яшайди. Демак, хат-хабарларга ҳам ортиқча эҳтиёж йўқдек. Яна бир гап — илгари четдан кўпроқ газеталар, журналлар олардик. Маърифатга ташна халқимиз уларни яхши қуриб ўқирди. Шу хайрли ишлар қайта тикланса, нашрларимиз янада мазмунлироқ, мароқлироқ чиқса, ишларимиз юришиб кетади деб уйлайман.

Хамма нарса нисбий. Телефон хизматига нисбатан бизнинг тарифлар барибир арзон. Битта хаткида маркаси билан 1,5 сўм. Шу пулга одамлар бемалол узаро мулоқотда булишлари мумкин. Шу нарсани почтачиларимиз одамларга тушунтира олса хат-хабарлар купаяди. Эсимда, 70-80 йилларда почта откриткаларидан куп фойдаланиларди. Шу қулайлиқни ҳозир ҳам қўласак ёмон булмасди. Илгари байрамларда имтиёзли нархлар жорий қилинарди. Буни яна йўлга қўйиш ҳам бизнинг вазирамиздир.

— Почта хизматининг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими? — ҳамсуҳбатимнинг очиққўнғилигидан дадилланиб, уни янада ошкоро суҳбатга чорладим.


— Йўқ.

— Нера?

— Илгари хат-хабарларни етказиш мuddатига қатъий амал қилинарди. 60 йилларгача биздан даромаднинг эмас, ишнинг сифатини

(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ



СУРАТДА: Тошкент Электротехника алоқа институтининг етакчи олимлари — проректор, техника фаилари доктори, профессор М. Н. ОРИПОВ (ўртада), профессор, иқтисод фаилари доктори М. Т. АБДУРАСУЛОВ (ўнгда) ва техника фаилари доктори, доцент Х. К. ОРИПОВ 1996 йилга мўлжалланган илмий ишларни муҳокама қилишмоқда.

Андижон вилояти туманларида алоқачиларнинг семинарини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Навбатдаги шундай йиғилиш Хонободда ўтказилди. Унда иш шaroитларини яхшилаш, техник жиҳозлар ва кабилларнинг меъёрида ишлашини таъминлаш ҳам

КЕНГАШЛИ ТЎН ТОР КЕЛМАС

да хизмат сифатини яхшилашда иқтисодий омиллардан фойдаланиш каби долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Семинарда алоқа хизмати мутасаддилари, маҳаллий ҳокимлик ва вилоят касаба уюшмаси кўмитаси раҳбарлари иштирок этдилар.

А. ОТАБОЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Матбуотда «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий суди тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини буздиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуллари эълон қилинди.

• *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги бўйича кўмита раиси, «Миқу» компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.*

• Марказий Осиёдаги беш мустақил давлатнинг атоқли фан, маданият, адабиёт ва санъат арбобларидан гуруҳи Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон Президентларига ҳуқуқматла алоқадор булмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» минтақа ҳаракатини тузиш ташаббуси билан мунозабат этидилар. Ана шу халқаро ҳаракатини тузиш тўғрисида Тошкент шаҳрида 1995 йил 1 сентябрда имзоланган меморандум ҳам эълон қилинди. Унга кўра шу йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида «Қардош халқлар учрашуви» халқаро културойини чақириб мўлжалланган.

• *Таниқли тарихчи олим, газетамизнинг жамоатчилик кенгаши аъзоси Бўрибой Аҳмедов буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга бағишланган тарихий романини ёзиб тугатди.*

• Андижоннинг энг сўлим дам олиш боғларидан бирига улуг шоир Чулпон номи берилди. У ерга шоирнинг бюсти ўрнатилди.

• *Грузия Тошиқ ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, республика парламенти аъзоси Жаб Иоселанининг куриқчилик хизмати ҳайдовчиси, шунингдек, мамлакатдаги «Мхедриони» ҳарбий-сиёсий ташкилотнинг бир қанча аъзолари ҳибса олинди. Улар турли ҳаловат ўқ отиш қурооларини поқонийи сақлашга мажбур қилинди.*

• Россия Федерациясининг Трубчевск шаҳрида Лениннинг икки тонналик бронза ҳайкали ўғирланган.

• *Қирғизистон Президентни Аскар Акаев ваколатлари мuddати-ни 2001 йилгача узайтириш юзасидан референдум ўтказилиши қўлаб-қувватлаш учун овоз бериш ҳуқуқига эга булган барча аҳолининг қарийб 52 фоизи — бир миллион 162 минг нафар фуқаронинг имзоси туяланди.*

• Голландиянинг Утрехт шаҳрида қадимий мусиқа фестивали очилган. Фестивалнинг асосий мақсади маҳаллий мухлисларни Шарқ билан таништиришдир. Иштирокчилар орасида Покистон, Турция, Сурия, Сибир, Ўзбекистон вакиллари бор. Бу санъат байрамида Муножот Йўлчиёва раҳбарлигидаги макомчилар дастаси иштирок этиб, анжуманга алоҳида файз киритмоқда.

ТАҚДИРИДАН МАМНУН ИНСОН

(Боши 1-бетда)

сурашарди. Афсуски, ҳозир бу нарса йўқолган. Ваҳоланки хат-хабарларни маълум вақтда етказиб беришга почта кафолат бериши керак. Акс ҳолда халқнинг бизга ишончи йўқолади.

Карим аканинг куйингачи бор экан. Муаммони бир томон иқтисодиётга, жумладан транспорт масаласига бориб тақаларди.

Почтачилар хат-хабарларни манзилга етказиш учун машинани ижарага ололмайд қўлишди. Андижондан битта туман марказига борадиган машинанинг хизмат ҳақи бир кунга 1780 сум экан. Шунинг учун ҳам энди юкларни почтачиларнинг ўзлари келиб олиб етиштиришди. Юкларнинг салмоғи илгаридангача кам эканлиги бунга имкон беришти.

Почтачилар ўзларининг кичкинагина машиналари бўлишини орзу қилишди.

Битта «Москвич» бир кунда бемалол туртга тумани айланиб келади. 4 та машина билан илгариги 17 та машинанинг хизматини қилса бўлади. Ҳайдовчиларнинг ўзларига кузатувчи вазифасини тошпириш орқали яна иқтисод қилиш мумкин.

Айрим жойларда булаётгани каби, Андижон вилоятининг ҳам муқоабил почта хизмати жорий этишга уринишлар бўлмақда. Бу масалада Карим аканинг фикри шундай: «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин!»

— Нафақаларни ахирини бориб ким тарқатгани маъқул? — деб сурадим Карим акадан. — Агар ҳамма қишлоқларда махсус банклар жорий этилса, ушлар орқали тарқатилган маъқул. Лекин ҳозир бундай имконият йўқ. Демак, почтачи орқали етказилгани дуруст. Чунки бизнинг одамлар ҳар бир хонадонни ва ўз ишини яхши билади.

Раҳбар муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида бош қо-

тирмаса, олма пиш, озгимга туш деб утираверса иш битмайди. Карим ака бундай раҳбарлардан эмас.

Почтачининг бевосита ўзи хизмат жараёнида газета-журнал сотиши дастлаб кимлардир эриш туюлганди. Ҳозир бунга кунликди. Андижон вилояти бу борада илгорлардан. Ярим йилнинг ўзида сотувдан 250 минг сум даромад олинди. Энди 590 почтачидан 500 нафари 40 фоиз маошини ўзи сотган газета-журналдан қоллашга ҳаракат қилади.

Обуна мавсуми ҳали қизгин паллага кирганича йўқ, Карим ака маошга яшайдиган оддий одамларни биратунга бир йилга обуна бўлиши қийин эканлигини тушунади. У обунани икки босқичда — ярим йилга бўлиб утказиш тарафдори. Бу ишда айрим мамлакатлар, жумладан Япония тажрибаси ақлотилиши мумкин деб ҳисоблайди. Шундай қилинганда одамларга қулайроқ бўлишига ишонлади.

К. Пулатов одамлар кунлига йўл топишни яхши билади. Ҳамкасблари — почтачилар

моддий рағбат билан бирга маънавий-руҳий мадада ҳам муҳтож эканига 1991 йили утказилган вилоят почтачиларининг анжуманида яна бир қарар амин бўлди. Ушанда почтачиларга қарата айтилган мурожаат ҳали-ҳамон ёдида:

«Сиз нафақат одамларнинг узогини, балки аввало, уларнинг кунлигини яқин қилувчи, меҳр-муҳаббати ва қалб қурини бир-бирига элтувчи олийҳиммат инсон сифатида ҳаммининг назаридасиз.

Сиз ўз меҳнатингиз билан миллионлаб хат-хабар, совгасалом, рўзнома ва ойномаларни ўз аталарига етказиб бериб, вилоятимиз халқини хушнуд этиб келмақдасиз. Сизнинг илиқ нафасингиз ва қайноқ меҳрингизга ҳар кунни ҳар бир хонадон муштоқ.

Эзининг жазирама қўёши қиздириб турганда ҳам, қаҳратон илқингизни изгиринди, баҳор ва кузнинг серёмғир кунларида ҳам Сиз йўлдасиз. Элюрт олдидоғи беминнат хизматларингиз учун самимий

миннатдорчилик билдиремиз».

Вилоят почта алоқаси корхонасида юқоридоғи каби анжумани яна утказиш режаси бор.

Карим Пулатов билан суҳбат давомида беихтиёр ҳазрат Навоийнинг қуйидаги ҳикмати ёдимга тушди:

**Нафъинг агар халққа
бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга
кўпрак дурур.**

Дарҳақиқат, эл-юрт хизматида қамарбаста бўлган одам ҳеч қачон кам бўлмади. К. Пулатов алоқа соҳасидаги камтарин хизматлари учун бир қатор мукофотлар билан тақдирланган. Яқинда эса унга Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғи билан «Моҳир алоқачи» унвони берилди.

**Ш. ОТАБЕК,
Андижон вилояти**

Кейинги пайтда Тошкент телефон-автомат тармоғи корхонаси кўпгина қийинчиликларга учради. Бошқа республикалардан телефон-автомат эҳтиёт қисмларини келтириш анча қийинлашиб қолди. Аппаратларнинг бузилиш ҳоллари кўпайди. Шу боис ҳам бузуқ аппаратларни тўзатиш қийинлашиб, фойда олиш қамайди. Бир неча йил илгари Тошкент телефон тармоғи базасида Тошкент давлат таксофон тармоғи корхонаси ташкил этилди. Корхонага тажрибали мутахассислар жалб этилиб, моддий маблағ билан татминланди.

Тармоқда ўтган йилнинг биринчи ярмида 4,5 минг маҳаллий таксофонлардан ярмига яқини, 529 та шаҳарлараро таксофонлардан эса 293 тасигина ишлади ҳоло. Жамоа янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қилиб, бунинг йўлини топди.

Алоқа вазирлиги, «Ўзбектелеком» концерни катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатди. Мижозлар талабини қондириш учун шаҳар

ТЕЛЕФОН- АВТОМАТЛАРНИ АСРАНГ

бўйича маҳаллий сўзлашувга 2500-3000 та ва шаҳарлараро сўзлашувга эса 500-600 та телефон-автомат зарурлиги ҳисоблаб чиқилди. Ушбу эҳтиёжни тўла-тўқис қондириш учун корхонадан астойдил ишлаш талаб қилинди.

Корхонада иш мароми ўзгартирилгани боис ўтган йилнинг ўзидеёқ даромадлар икки баробарга ошди. Таксофонларга нисбатан муносабат ўзгартирилди. Икки минг микротелефон гўшаги, 1500 та рақамтергич ва шунча миқдорда микротелефон гўшаги сотиб олинди ва кўпгина эски аппаратлар янгисига алмаштирилди. Бу эса корхона ишининг силжишига кўмак берди.

Маълумки, автоматга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётди. Шуни ҳисобга олиб корхона икки машина жетон сотиб олди. Бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошмади, албатта. 1994 йилнинг беш ойи мобайнида 359 та шаҳар ва 43 та шаҳарлараро таксофон ўрнатилганди. Жорий йилнинг ҳар ойи учун эса 30 талдан кўпроқ таксофон ўрнатиш мўлжалланган бўлиб, йил охиригача барча таксофонларни тўлалигича ишлатиш кўзда тутилган. Иш янада яхшилангани учун 100 та янги телефон кабиначиларини ўрнатиш лозим. Қўшимча яна уч минг рақамтергич ва шунча миқдорда микротелефон гўшаги ҳамда 50 километрга етadиган телефон кабел сотиб олингани лозим. Бу алоқа жиҳозларини сотиб олиш корхонага 12 миллион сўмга тушади. Энди корхона олдига бу маблағни қайси манбадан олиш муаммоси кўндаланг турибди. Бунинг учун телефон-автоматлар мунтазам ишлаб туриши керак. Айни кунда барча саъй-ҳаракатлар шунга қаратилган.

Корхона ходимлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳозирги кунда ходимларни ишга астойдил жалб қилиш қийин албатта.

Ўтган йили Ҳамза телефон тугунида В. Литвак бошчилигида 15 киши 600 та таксофонни ижарага олишганди. Таксофонлар маълум вақт таъмирлангандан кейин иш бошланди. Натижанда улар яхши кўрсаткичларга эришишиб, ойлик маошлари кўпайди. Ўз ишига масъулият билан ёндашаётганлар сони ортди. Шулардан эксплуатация хизматининг раҳбари Р. Орифжонов, бош муҳандис А. Павленков, электромеханик П. Зайцев, муҳандис М. Хужанова ва бошқалар ўрнатилган меҳнат қилишяпти.

— Корхонанинг режалари улкан. Келгусида тармоқни тўлалигича ижарага олиб, жетонлар ўрнига кредит қарточкалар жорий қилмоқчимиз, — дейди корхона бошлиғи Ҳ. Холматов. Илгари ўз ҳолига ташлаб қўйилган таксофонлар тўдиқ назоратга олинди, мижозлар хизматида йўналтириляпти.

А. КУДИНОВ



Тошкентдаги Марказий радиорелели станция цех бошлиғи уринбори А. С. ПОЛОТЕВНОВ ва смена бошлиғи В. Н. ХУДОВ ускуналарнинг ишлашини назорат қилишмоқда.

Суратқаш А. РИСКҒИЕВ

• Алоқа матбуот кўзгусида

ПОЧТАЧИ БОШИДАГИ ЯШИНҚАЙТАРГИЧ

Почтачи Барбара Бренлоб хат-хабарларни тарқатиб юрганида яшинга йўлиққанди. Энди у бундай ҳол бошқа такроланмаслигини яхши билади, чунки бошига ихчам яшинқайтаргич ўрнатиб олган.

Ғаройиб бу техника янгилиги бошда олиб юриладиган антеннали металл ҳамда металл симдан иборат бўлиб, яшиндан пайдо бўладиган электр қувватини пойабзал орқали ерга ўтказиб юборди. Ақл бовар қилмайдиган бу мўъжиза панд бермай ишлайди.

— Утган йили мени икки марта яшин урди, аммо заррача азият чекмадим, — дейди Чикагонинг жанубий туманида почтачиллик қилувчи 42 ёшли бева. — Одамлар менга ажабланиб қарашди, уларга парво қилмайман. Доимо хавфсизраб яшаш жонимга текканди. Энди момақалдироқ пайтида фалокатга йўлиққандан қўрқмай, бемалол ўз ишимни қилавераман.

Уч йил муқаддам Барбарани момақалдироқ маҳали кўчада кетаётганида яшин уриб, ҳалок бўлишига сал қолганди. Уни оғир ҳолатда касалхонага ётқизишди. Тўрт ойгача ишлай олмади, яна оёққа туриши учун даволанишга муҳтож эди.

Барбара ишга қайтганида яна яшинга йўлиққандан қўрқиб юрди. Ёмғир ёққанида ташқарига чиқишга юраги дов бермас, мижозлар ҳам ундан шикоят қила бошлаган эди. — Менинг асосий иш вақтим кўчада ўтади, уйма-уй юриб хат-хабар тарқатаман, — дейди у. — Ҳар гал ёмғир ёққанида юрагим қалтирарди. Танишим яшинқайтаргич ўрнатишни маслаҳат берди. Ундан 1991 йилдан буён фойдаланаман. Ҳозир бошқа почтачилар ҳам шундай яшинқайтаргичларга буюртма беришмоқда.

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркази» давлат нашриёт маркази Ўзбекистон Республикасининг теннис бўйича «Президент кубоғи» мусобақаларига атаб почта маркаларини нашрдан чиқарди. Ушбу миниатюра мар-



каларини биринчи бўлиб Республика Марказий банки қўшидаги ишлаб чиқариш бирлашмаси чоп этди. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган «Шарқ» нашриёт матбаа концерни Амир Темури юбилейининг 660 йиллигига атаб чиқариладиган почта маркаларини босиб беришни режалаштиряпти.

ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН

Алоқа вазирлигининг Назорат-тафтиш Бошқармасида қассаба уюшмаси қўмитаси аъзолари ва вилоят тафтишчиларидан иборат вакиллар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Назорат-тафтиш Бошқармасининг саккиз ойлик иш якуналари ва тартиб-интизом масалалари кўриб чиқилди. Сўзга чиққан ўртоқлар меҳнат интизомини ва бошқа масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ишла йўл қўйган камчиликларини учун ҳайфсан олганлигига қарамасдан яна бир неча мартаба меҳнат интизомини бузганлиги учун бош ҳисобчи. У. Ҳакимов ўз хизмат лавозимдан бўшатилди.

Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан чоратадбирлар белгиланди.

АДАБИЁТ ЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Алп Жамол» фирмаси томонидан Алп Жамол мукофотининг тавсис этилгани адабиётимизга, маънавиятимизга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва мурувват сифатида жамоатчилик томонидан самимий эътироф этилганди. Мукофот учун танловда 50 дан орტიқ ижодкор ўз асарлари билан қатнашди. Саховатли инсон — Алп Жамол таваллудининг 80 йиллиги кунини Одил Ёқубов, Эркин Самандаров, Ражаббой Раупов, Шуккур Холмирзаев, Раҳимжон Отаев, Пирмуат Шермухамедов ва Шодикул Ҳамроев каби адибларга голиблик соврини насиб этди. Алп Жамол ва унинг

фарзандлари каби фидоий инсонлар бор экан, адабиёт ўлмайди. Мукофотни топшириш маросимини шoir А. Турдиев адибга бағишланган куйдаги шеърини ўқиб берди.

АЛП ЖАМОЛ

Куз гавҳари — қорачутдек суйган ул зот миллатни, Ҳажв тиги — дорга осиб ҳар манқуртни, илатни. Юрта мерос қолдирмиш у — самовий мурувватни — Мурувват осмонининг қуёшидир — Алп ЖАМОЛ.

Иншоолло, азизларим, халқ каломи — ҳақ сўзидир, Мархум руҳин шод айламоқ — тиловат — илҳақ сўзидир. Ки, эзгулик либосида

қўзунчоқ — бутакўздир — Шабнам янглиг хотира — куз ёшидир — Алп ЖАМОЛ.

Тонгининг алвон атиргули шабнам ичра, чамамда, МАНФААТни гулга қиёс айлайман мен — чаманда. Мумтоз устоз фарзандлари — қобил, дурқун, омон-да — Савобталаб ҳар ишда ишбошидир — Алп ЖАМОЛ.

Қаторида нори борнинг — юки ерда қолмагай, Ҳумо қушим, сарбаландсан — жуфт қанотинг толмагай, Ҳумосини энди халқим тор қафасга солмагай — Миллатининг — ўзбекнинг қиёсидир — Алп ЖАМОЛ.

Келажаги — буюк маъво — Ўзбекистон йур томон, Шоҳ «Манаси» — минг ёшга юрт — Қирғизистон бир томон.

Менинг қозоқ бовурларим, туркман эли, бул омон — Туркий халқнинг жигари-қардошидир — Алп ЖАМОЛ.

Илло, кучгай оқ тонларга пахтаининг оппоқ ранги, Ҳар ўзбекнинг юрагида истиқлолнинг хур тонги. Бўйла, минбаъд забт этолмас Кремль — саот занги — Танги деҳқон элининг бардошидир — Алп ЖАМОЛ.

Тавалло шу — ҳар мўминга Аллоҳ ўзи ёр булсин, Алп ЖАМОЛ — бу — Тангрикут хақ — Ўзбекистон бор булсин. Эй, Алпомиш юрти — Турон, қўлларингда тор булсин. Бугун давра турида туйбошидир — Алп ЖАМОЛ!

Абдулла ТУРДИЕВ

• АЖАБ ДУНЁ

ВИКТОРИЯ РЕГИЯ

Виктория региядек антиқа ва оламга машҳур ўсимлик камдан кам учрайди. Виктория регия улкан сув нилуфаридир. Унинг гуллаши ҳақда маҳаллий газета ва радио орқали хабар қилинади. Бу хабарни эшитган ёш-қарилар Виктория регия этиштириладиган махсус оранжерея томон йўл оладилар.

Виктория регия ўзга ўлкаларда оранжереялардаги махсус ҳовулардагина ўсади. Ҳову доира шаклида бўлиб, четдаги бетон марзанинг баландлиги 100-120 сантиметр дур. Одамлар ҳову атрофидан юриб, сув юзасида қалқиб турувчи Виктория региянинг гулини ва ажойиб япрогини томоша қиладилар; бу гул кишини ўзига маҳаб қилади ва ажойиб таассурот қолдиради. Оранжереянинг ичи дим, нам, айна вақтда гулнинг нафис, ширинзиравор ҳиди анқиб туради. Виктория регия август ойида гуллайди, гулнинг эни 30, ҳатто 40 сантиметрге етиши мумкин. Гули уч кун очилиб туради. Ғунчаси сув остида бўлиб, очилиши олдиан сув бетига чиқади. Ғунча оқ ранг бўлади. Гули биринчи кун пушти ранг, иккинчи кунни тўқ қизил ранг, учинчи кун эса оч қизил рангга киради. Гулбарглари тўқилган, гул банди сув остида тушади ва менаси сув остида этилади. Виктория региянинг ватанида ерли халқ унинг менасини истеъмол қилади. Унинг барги жуда катта — диаметри 2 метрга етади. Сув бетиде қалқиб турадиган баргининг шакли улкан барқашни эслатади. Баргининг чеккалари 5-10 сантиметр келтиликда тепага қайрилган. Барқаш-баргини йўғонлиги 5-10 сантиметр келадиган йўғон томирлар ушлаб туради. Виктория региянинг барги болаларни, 50 килограммлик юкни, ҳатто юзига бир текис қилиб сепилган 75 килограмм кўмни ҳам кўтарлади.

Виктория регия иссиқ ва сернам шароитда ўсадиган кўп йиллик сув ўсимлиги бўлиб, асл ватани Жанубий Америкадир. Бу ўсимлик Амазонка, Оринока ва Парана дарёлари ҳавзаларида ўсади. Америка матбуотида Виктория регияни «Сув нилуфарларининг маликаси», «Сув атиргулларининг қиролчиси», «Иссиқ Американинг сув мўъжизаси» дея кўқларга кўтариб мақтайдилар.

Лев ТОЛСТОЙ

Бир шаҳардаги майдонда каттакон харсангтош ётарди. Тош анча жойни эгаллаган ва уттан-кетганга халақит берар эди. Муҳандисларни чақириб, тошни қандай олиб ташлаш лозимлиги ва бунинг харажати қанчага тушиши мумкинлигини сўрашди. Бир муҳандис тошни порох билан парчалаб, булакларини та-

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОН

шиб кетиш керак, бу 8000 сўмга тушди деди, иккинчиси тошнинг тагига аравача олиб келиб, гилдиратиб чиқарвориш керак. Бу 6000 сўмга тушди деди.

Бир деҳқон бўлса: «Тошни ўзим олиб ташлайман, ҳақиқа юз сўм кифоя», деди.

Деҳқондан буни қандай улдалайсан деб сўрашди. У шундай жавоб қилди: «Мен тошнинг тагидан каттакон ўра қазийман, тупрогини майдонга чиқариб, тошни ўрага юмалатаманда ерни текислаб қўяман».

Деҳқон худди шундай қилди ва унга ўша юз сўмини бериб, тадбиркорлиги учун яна юз сўм қўшиб, сийлашди.

линади.

Пиёзни ҳавончада янчиб, суви сиқиб олинади, кейин унга икки ҳисса асал қўшиб, паст оловда асал чўзилиб секин оқадиган ҳолга келгунича пиширилади. Тайёр бўлган маҳсулотдан ҳар кеча икки ёки уч қошиқдан яланади.

Парманчак (еживика) мевалари истеъмол қилинади, шунингдек, ўсимлик мевалари асосида тайёрланадиган дамлама умумий қувват бағишловчи, узулиш (климакс) даврида тинчлантирувчи, жиззакиликдан хо-

ли қилувчи безор омил сифатида ичилади.

Бодрезак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама ҳам умум қувват бағишловчи таъсир кучига эга, асаб таранглиги (нёвроз) да тинчлантирувчи, томир тиришишдан холи этувчи бўлиб хафақон хуружиде ижобий натижа беради. Бодрезак мевалари дамламасидан кунига 2-3 марта ичиб туриш тавсия этилади.

(«Синалган безор даволар» китобидан)



ЭРЛИККА ҚУВВАТ БЕРУВЧИ МУОЛАЖАЛАР

Янги ёнғоқ мағзи, майиз, гул мураббоси, асил асал тенг миқдорда олиниб тоза ҳавончада эзиб, яхшилаб аралаштирилади. Омухта оғзи ёпиладиган идишга солиниб, салқин жойда сақланади. Мазкур аралашмадан ош қошиқда кунига 3-4 маҳал истеъмол этиб турилади.

Сархил сабзи шарбати ҳамда тенг миқдорда асил асал олиниб, обдон аралаштирилган, ош қошиқ воситасида қу-

нига бир неча бор истеъмол қилинади.

Ижобий таъсир қиладиган, бироқ иссиқ мижозларга ёқмайдиган дорилардан бири: ўттиз ҳисса янтоқ шакари (манна)ни юз ҳисса янги соғилган сутга солиб, у эриб кетгунича ивителиди-да, сўнгра уни сузиб, янтоқ тиконларидан тозалантириб, қуюлгунча қайнатилади. Татимли маҳсулотдан бир қошиқ миқдорда истеъмол қи-

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Луқмони ҳаким айтиди: Олимлар билан ўтир, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўл, осмон суви билан қуриган ерлар тирилгани каби ҳикмат нури билан ўлган қалблар тирилади.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Олимнинг либоси бўлмаса ҳам илми унинг айбини яширади.

Олим бўлиб кулфатда яшаш нодон бўлиб ишратда яшагандан афзал.

Афлотун ҳаким айтиди:

Уч кишига раҳим келади: бой бўлиб камбағалга айланган кишига, улуг бўлиб хорга айланган кишига ва олим бўлиб нодонлар суҳбатига тушиб қолган кишига!

«Ғавоқиҳ ад-жуласо»

Бидимингни ҳиммат камари билан мустаҳкамла, донолар изидан юришга интил!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин то уни мукамал эгалламагунингча ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердим, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма!

Абдибек ШЕРОЗИЙ

Илм ила кимнинг дили равшан эрур, У замон ичра саломат тан эрур.

Фариддин АТТОР

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирзиёлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ

Билал АМИНОВ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятта келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарибмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Ғуяҳатта олин №000011. Ўнуртга №1-0426, 9894 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 18

ЎзТВ I

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгилıklar.
18.10 "Аралаш". Болалар учун ҳажв киножурнал.
18.20 Футбол шарҳи.
18.30 "Фазилат".
18.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Пул қадри".
20.10 "Аср фожiasi". Орол муаммоларига бағишланади.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Минтақамиз хавфсизлиги йўлида". 3-курсатув.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 1-қисм.
23.15 Ўзлонлар.
23.20 — 23.45 "Ахборот".
ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун "Кузмончок".
19.00 "Деҳон ҳиммати".
19.30 "Бу бустон аро...".
20.00 "Излаган имкон топади".
20.30 "Спорт-тайм".
21.00 — 22.30 "Кечки вариант". Бадий фильм.
ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.45 — 21.20
22.45 — 00.40
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Ишбилармон".
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Мусликий учрашувлар".
20.20 "Ўрдалият" телекомпаниясининг янгилıklarлари.
20.40 "Дурдаршан" телекомпаниясининг курсатувлари.
21.40 "Ширю шакар".
22.20 "Саҳий ҳонадонда".
23.00 — 23.45 "Соқкер-клуб".
ЧОРШАНБА, 20
ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 2-қисм.
9.05 Алифбо сабоқлари.
9.35 "Ешлик" студияси. "Оқар даррелар".
10.05 Ер ва диёр тароналари.
10.30 — 12.30 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгилıklar.
18.10 "Умид уқунлари".
18.40 "Уяни кўшиги". Наманган вилояти Уяни туманининг 60 йиллигига бағишланган курсатув.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Шеърый дақиқалар".
20.05 "Хазинамиз таянчи".
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Вевосита мулоқот.
22.15 "Хонанда билан учрашув". Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Қозим Қаюмов.
22.50 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.
23.55 Ўзлонлар.
24.00 — 00.25 "Ахборот".
ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 "Ез ҳам утиб кетди...".
19.00 "Мусликий меҳмонхона".
20.00 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокурсатув (рус тилида).
20.40 "Халқ саломатлиги йўлида".
21.25 "02" тўлкинда.
21.50 — 23.20 "Кинематограф".
ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
6.30 — 8.00
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.45 — 21.25
22.45 — 01.30
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Кўчманчи қўшлар учмоқда". Телефильм.
18.55 "Олам ва одам".
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништирилади:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Ўзлонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
ПАЙШАНБА, 21
ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.
9.05 "Фахрийлар — фахримиз".
9.50 "Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи".
10.15 "Бировнинг номида". Бадий фильм.
11.30 Уқув курсатуви. Умумий биология.
12.00 — 14.00 "Ешлик" видеоканали.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгилıklar.
18.10 "Соҳрий мўкалам".
18.40 "Ўзбеккона лутф". Адабий курсатув.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.30 — 8.00
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.45 — 21.25
22.45 — 00.50
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Ишбилармон".
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Мусликий учрашувлар".
20.20 "Ўрдалият" телекомпаниясининг янгилıklarлари.
20.40 "Дурдаршан" телекомпаниясининг курсатувлари.
21.40 "Ширю шакар".
22.20 "Саҳий ҳонадонда".
23.00 — 23.45 "Соқкер-клуб".

ЧОРШАНБА, 20

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 2-қисм.
9.05 Алифбо сабоқлари.
9.35 "Ешлик" студияси. "Оқар даррелар".
10.05 Ер ва диёр тароналари.
10.30 — 12.30 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгилıklar.
18.10 "Умид уқунлари".
18.40 "Уяни кўшиги". Наманган вилояти Уяни туманининг 60 йиллигига бағишланган курсатув.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Шеърый дақиқалар".
20.05 "Хазинамиз таянчи".
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Вевосита мулоқот.
22.15 "Хонанда билан учрашув". Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Қозим Қаюмов.
22.50 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.
23.55 Ўзлонлар.
24.00 — 00.25 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 "Ез ҳам утиб кетди...".
19.00 "Мусликий меҳмонхона".
20.00 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокурсатув (рус тилида).
20.40 "Халқ саломатлиги йўлида".
21.25 "02" тўлкинда.
21.50 — 23.20 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
6.30 — 8.00
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.45 — 21.25
22.45 — 01.30
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Кўчманчи қўшлар учмоқда". Телефильм.
18.55 "Олам ва одам".
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништирилади:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Ўзлонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 21

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм. 3-қисм.
9.05 "Фахрийлар — фахримиз".
9.50 "Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи".
10.15 "Бировнинг номида". Бадий фильм.
11.30 Уқув курсатуви. Умумий биология.
12.00 — 14.00 "Ешлик" видеоканали.
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгилıklar.
18.10 "Соҳрий мўкалам".
18.40 "Ўзбеккона лутф". Адабий курсатув.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.



19.55 "Ислохот ва масъулият".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
22.15 "Дутор навоси". Мусликий курсатув.
22.55 "Ешлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлинг кўзи".
23.55 Ўзлонлар.
24.00 — 00.25 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништирилади:
18.30 "ОМАД" тақвими.
18.35 "Кўнги".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!".
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгилıklarлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
6.30 — 8.00
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.45 — 21.25
22.45 — 00.30
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Ўрмон рапсодияси". Телефильм.
18.55 "Булоқлар кўз оғанда".
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг курсатувлари.
20.50 "Спектр".
21.20 "Учрашув".
22.00 "Хамшиҳарлар".
23.00 — 23.20 "Оқ кутича".

ЖУМА, 22

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 "Ешлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлинг кўзи".
9.00 Немис тили.
9.30 "Талабалар саҳнасида".
10.30 Уқув курсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 "Истиклол адабиети".
11.35 — 12.10 "Буни ҳамма билиши керак".

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгилıklar.
18.10 "Кичкинтойимиз — гижинг-тойимиз".
18.40 "Ўзбек киносининг барҳайб саҳифалари".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Адолат". Хуқуқий-публицистик курсатув.
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Ўзлонлар.
22.00 "Мярифатнома".
22.10 Юнус Ражабий номидаги мактаблар ансамблининг концерти.
22.40 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Хитой терма командалари.
23.20 Ўзлонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 "Ўтмишдиси келажак йўқ".
19.00 "Билиб кўйган яхши".
19.20 "Бизнес-академия".
19.45 "Экология ва ҳаёт".
20.25 "Ешлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
20.55 — 22.25 "Шахсий детектив ёки "Кооперация" операцияси". Бадий фильм.
ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
6.30 — 8.00
18.00 — 20.50
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.50 — 21.25
22.50 — 00.25
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Бувимнинг сандиги". Мультифильм.
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Монитор-Осиев".
20.35 "Глобус".
20.55 "Беэнен мирас" (татар тилида).
21.35 "Би-Би-Си" янгилıklarлари.
21.45 Турнир жилolari. Теннис. Дэвис кубоги.

ди". Киноконцерт.
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништирилади:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Ўзлонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.50 "Компьютер-Осиев".
21.20 "Кулгига нима етсин".
21.45 "Америка юлдузлари".
22.15 Ўзлонлар.
22.20 "Даракчи".
22.30 Ўзлонлар.
22.35 — 00.15 Видео — "О".

ШАНБА, 23

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
8.00 Туроб Тўла асари. Фарҳод Олимов мусикаси. "Ноҳирабегим". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусика театрининг спектакли.
10.15 "Қирқ хунар ҳам оз".
10.45 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".
11.20 "Ешлар иҳоди".
11.50 "Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида".
12.20 — 12.50 "Водий жилolari". Кинокурсатув.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 "Ертиқулоқ ва ялқовлар". Мультифильм.
18.10 "Эртақлар — яхшиликка етаклар".
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Учрашув". Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Лутфулла Саъдуллаев.
20.30 "Ўзбекистон янгилıklarлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртақлари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Орол дарди — олам дарди".
22.10 "Дилда васлинг". Ўзбекистон халқ артисти Аҳмадхон Шукуров куйлайди.
22.45 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Хитой терма командалари.
23.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
9.00 Болалар учун "Табассум".
9.15 "Акс-садо".
9.40 "Менинг кўчам".
9.55 "Пульс". Хабарлар.
20.10 "Антенна".
20.45 "Эсдалик учун дастхат".
21.10 "Шоҳсупа сари" (рус тилида).
21.40 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.00 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.45 — 21.25
22.45 — 00.20
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Дўстлик сарҳад билмайди".
10.40 Болалар учун фильм. "Кичик боланинг катта ташвишлари".
11.45 — 12.35 "Замандас" (қозоқ тилида).
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Бувимнинг сандиги". Мультифильм.
19.15 "Мультикарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Монитор-Осиев".
20.35 "Глобус".
20.55 "Беэнен мирас" (татар тилида).
21.35 "Би-Би-Си" янгилıklarлари.
21.45 Турнир жилolari. Теннис. Дэвис кубоги.

22.00 "Жаҳон ва биз".
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгилıklarлари.

ЯҚШАНБА, 24

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш курсатуви.
9.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 Саид Аҳмад. "Йўгонтена". Теленовелла.
11.45 "Цирк! Цирк! Цирк!".
12.30 "Шоҳрух" клуби.
13.00 "Қўшиқларим сизга армуғон".
13.30 — 14.15 "Бугун — Машина-созлар кунин". Курсатув ва концерт.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 "Ғойиб бўлди осмонда қушча". Мультифильм.
18.20 "Қўшигим, жон қўшигим".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Панорама" (рус тилида).
19.30 Ўзлонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 "Оламга саёҳат". Кинокурсатув.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Хафтанома".
21.00 Ўзлонлар.
21.05 "Деҳдон даладан қайтганда...".
21.50 "Санъат соҳри". Видеоканал.
23.20 Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Хитой терма командалари.
24.00 Ўзлонлар.
00.05 — 00.35 "Хафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнги".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!".
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Видео янгилıklarлари.
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.00 — 24.00
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
24.00 — 02.55
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультифильм.
9.30 "Менинг кўчам".
9.45 "Дарвоқе".
10.10 "Эртақларнинг соҳрий олами".
11.40 "Ғазалхон ёшлигим".
12.15 "Ўзбекистон янгилıklarлари" (инглиз тилида).
12.25 — 13.50 "Ихволон бир соябон остида". Бадий фильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Дурдаршан" телекомпаниясининг курсатувлари.
21.05 "Би-Би-Си" янгилıklarлари.
21.15 "Чинсан".
22.05 "Қалбим кўри".
22.35 Турнир жилolari. Теннис. Дэвис кубоги.
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгилıklarлари.

ЎзТВ IV

17.00 "Соғва".
17.30 "Салом, ешлар!".
18.10 "Жаҳон географияси".
19.00 Ўзлонлар.
19.05 Видео — "О".
20.45 Ўзлонлар.
20.50 "Қуръер".
21.10 "... яна об-хаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.50 "Автосалон".
22.10 "Теле-ателье-шоу".
22.35 Ўзлонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Ўзлонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.00 — 24.00
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
24.00 — 02.55
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультифильм.
9.30 "Менинг кўчам".
9.45 "Дарвоқе".
10.10 "Эртақларнинг соҳрий олами".
11.40 "Ғазалхон ёшлигим".
12.15 "Ўзбекистон янгилıklarлари" (инглиз тилида).
12.25 — 13.50 "Ихволон бир соябон остида". Бадий фильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Дурдаршан" телекомпаниясининг курсатувлари.
21.05 "Би-Би-Си" янгилıklarлари.
21.15 "Чинсан".
22.05 "Қалбим кўри".
22.35 Турнир жилolari. Теннис. Дэвис кубоги.
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгилıklarлари.

ЎзТВ II

"Тошкентдан гапирамыз ва курсатамыз" теледастуридан олинди).